UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$70 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$60 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
51%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$100 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2094
ЧЕТ ТИЛЛАР ОНЛАЙН МАКТАБИ
(ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШ)

Лойиханинг махсади: Онлайн-таълим ва дарс беришга ихтисослашган лойиҳа тўрт йўналишни қамраб олади — рус, инглиз, турк ва араб тиллари.

Лойиҳанинг асосий мақсади — бизнесни кенгайтириш ва онлайн-таълим бозорида мустаҳкам позицияни эгаллаш.
Лойиҳа бир йилдан ортиқ вақтдан бери муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда ва Ўзбекистон бозорида ўзини ишончли иштирокчи сифатида намоён этган. Шу вақт мобайнида бозор ўрганилиб, талабаларнинг ҳақиқий натижаларига йўналтирилган самарали масофавий таълим модели ишлаб чиқилган.

Барча фаолият онлайн муҳитда амалга оширилади — ўқув жараёни тўлиқ масофавий бўлиб, офлайн формат кўзда тутилмаган.
Хизматлар ижтимоий тармоқлар, шахсий онлайн-платформа ва бошқа рақамли каналлар орқали тарғиб этилади.

Бундан ташқари, дарсларга қулай кириш ва фойдаланувчилар фаоллигини ошириш учун мобил илова ишлаб чиқиш режалаштирилган.
Лойиҳа жамоаси — беш йилдан ортиқ дарс бериш тажрибасига эга бўлган профессионал ўқитувчилардан иборат. Улар замонавий, натижа ва таълим сифатига йўналтирилган методикаларни қўллайдилар.

Ўзбекистоннинг онлайн-таълим бозорида ҳозирча бу соҳада кучли ўйинчилар сони кам, бу эса ўсиш учун қулай имконият яратади. Лойиҳа муаллифлари профессионаллик, тизимли ёндашув ва самарали маркетинг орқали маҳсулот нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ мамлакатлари бозорида ҳам етакчи ўринни эгаллашига ишонч билдирмоқда.

Муаллиф лойиҳани ривожлантириш учун жами $100 000 сармоя киритган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $70 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Маркетинг	3 000
Таргет 3 ой	6 000
Жой ижараси 3 ой	1 800
Иш хаки 3 ой	16 500
Техник ускуналар	15 000
Мобил илова	25 000
Соликлар	600
Бошка харажатлар	2 100
Жами	**70 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Ойлар микдори	Бир ойлик даромад, $	Сумма, $
Гурух йоналишлари	12	10 500	126 000
Индивидуал дарслар	12	4 500	54 000
Жами			**180 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар	120 000
Жами	**120 000**

- Йиллик даромад: $180 000
- Йиллик харажатлар: $120 000
- **Йиллик соф фойда**: $180 000 – $120 000 = **$60 000**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **51%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунига қадар: Инвестор – **60%** ва лойиҳа Муаллифи – **40%**
Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **30%** ва лойиҳа Муаллифи – **70%**